

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2025 йил июль ойининг 8 куни, Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг биносидан, апелляция инстанциясининг очик суд мажлисида, вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси М.Очилованинг раислигида, ҳайъат судьялари: Ф.Чориев ва О.Шукуровдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси М.Майдоновнинг котиблигида, тарафлардан: давлат айбловчиси-Қашқадарё вилоят прокуратурасининг бўлим катта прокурори Х.Каримов, судланувчи Д.Хомидова ва унинг химоячиси-адвокат М.Аллаёровнинг иштирокида, суд ҳукми устидан судланувчи Д.Хомидова берган шикоят жиноят иши ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқилиб, қуйидагилар

а н и қ л а н д и :

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2025 йил 27 мартдаги ҳукмига асосан:

Хомидова Дилнавоз Хамза қизи, 1992 йил 6 апрель куни Қарши шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, икки нафар вояга етмаган фарзанди бор, “Санам” фабрикасида тикувчи, муқаддам:

1) Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2021 йил 12 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖПК 533-моддаси 1-қисмининг 3-бандига асосан ҳукм ижроси кечиктирилган;

2) Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2021 йил 26 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари 6.690.000 сўм жарима жазоси тайинланган, ЖПК 533-моддаси 1-қисмининг 3-бандига асосан ҳукм ижроси 2022 йил 16 сентябрь кунига қадар кечиктирилган;

3) Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2021 йил 6 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 28,211-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 59,60,61-моддалари тартибида 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 50



баравари 12.250.000 сўм жарима жазоси тайинланган, ЖПК 533-моддаси 1-қисмининг 3-бандига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ижроси 2022 йил 16 сентябрь кунига қадар кечиктирилган;

4) Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2022 йил 20 майдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан 5 йил 1 ой, ЖКнинг 60-моддасига асосан аввалги ҳукм билан тайинланган жазо қисман қўшилиб 5 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖИБ Шеробод туман судининг 2023 йил 23 майдаги ажримига асосан ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмаган 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўталмаган, Қарши шаҳар “Буюк турон” маҳалла фуқаролар йиғини, Буюк турон кўчаси, 99<sup>А</sup>-уйда яшаган, 2025 йил 11 февралдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 5 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Д.Хомидова хавфли рецидивист бўлгани ҳолда 2025 йил 8 февраль куни Маматқулов Бехрўз Отабек ўғли билан телефон орқали танишиб, унга юқори мансабда ишловчи танишлари орқали уни Қашқадарё вилояти Транспортда ХТБдаги бўш иш лавозимларидан бирига ишга киритиш учун 2500 АҚШ доллар микдорида пора беришга далолат қилиб, шундан 1.200 АҚШ долларини ишга киритишдан аввал, қолган 1300 АҚШ долларини эса ишга киритганидан кейин бериши лозимлигини айтиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда, Б.Маматқуловни мансабдор танишлари орқали Қашқадарё вилояти Транспортда ХТБга ишга киритиш учун олдиндан 1000 АҚШ долларини 12.900.000 сўмга ҳисоблаб, Халқ банки Қашқадарё вилояти минтакавий маркази томонидан ўзини номига расмийлаштирилган “Uzkard” пластик картасига ўтказиб олган вақтида ушланиб, банк пластик картаси олиб қўйилганлиги ва банк томонидан блокланганлиги сабабли жиноий ҳаракатини охирига етказа олмасдан, мулкни фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга суиқасд қилган ҳамда пора бериш жиноятига далолат қилган.

Судланувчи Д.Хомидова шикоятда, қарамоғида 5 ва 11 ёшли вояга етмаган фарзандлари борлигини инobatга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди, иш бўйича судья О.Шукуровнинг маърузасини, судланувчи Д.Хомидова ва унинг ҳимоячиси-адвокат



М.Аллаёровнинг шикоятни қаноатлантириш, прокурор Х.Каримовнинг ҳукми ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги музокара сўзларини тинглаб, шикоятда кўрсатилган вазиятни жиноят иши ҳужжатлари ва апелляция инстанцияси судида аниқланган ҳолатлар асосида текшириб, қуйидаги тўхтамга келди.

Судланувчи Д.Хомидова апелляция инстанцияси судида, шикоятини қувватлаши, биринчи инстанция суди вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олмасдан оғир жазо тайинлагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалиги ҳақида кўрсатув бериб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Д.Хомидованинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликдаги айби, ўзининг дастлабки тергов, биринчи ва апелляция инстанцияси судидаги айбига иқрорлик билдирган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, ҳодиса жойини кўздан кечириш тўғрисидаги баённома, тезкор тадбир ўтказилгани ҳақидаги ҳужжатлар, сўзлашувлар стенограммаси билан ўз тасдиғини топган.

Биринчи инстанция суди, судланувчи Д.Хомидованинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилиб, жазо тайинлашда, қилмишнинг сабабини, ишдаги барча енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, Жиноят кодексининг қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорида берилган тушунтиришларига риоя қилиб, унга қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, қонуний, адолатли ва асосли ҳулосага келган.

Иш ҳолатларига кўра, Д.Хомидова муқаддам 4 марта фирибгарлик ва пора беришга далолат қилиш каби жиноятлар учун судланган бўлиб, яна қасдан шу каби жиноятларни содир қилган. озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан бўлса-да, ахлоқан тузалиш йўлига ўтмаган.

Бундай ҳолда Д.Хомидованинг оғир жазо тайинлангани ҳақидаги вазияти билан келишиб бўлмайди.

Бироқ, биринчи инстанция суди Д.Хомидовага тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини қаттиқ тартибли колонияларда ўтатиришни белгилаб хатога йўл қўйган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 50-моддаси 8-қисми “в” бандида, илгари озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, янги содир этган ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинаётганларга, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилган аёлларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўтатирилиши кўрсатилган.

Апелляция инстанцияси суди Д.Хомидова ўта оғир бўлмаган жиноятни содир қилганлиги, биринчи инстанция суди қаттиқ тартибли колонияда жазо ўташини белгилаб хатога йўл қўйгани сабабли суд ҳукмини ўзгартиришни ва жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни белгилашни, ҳукмининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни, шикоятни қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482, 485, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup> ва 497<sup>36</sup>-моддаларига асосан апелляция инстанцияси суди



**А Ж Р И М      Қ И Л Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2025 йил 27 мартдаги Хомидова Дилнавоз Хамза қизига нисбатан чиқарган ҳукми ўзгартирилсин.

Д.Хомидовага тайинланган 5 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Суд қарорларидан норози тарафлар ҳукм чиқарган суд орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига тафтиш тартибида шикоят бериши, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи, судья

М.Очилова

Ҳайъат судьялари

Ф.Чориев

О.Шукуров

**Маърузачи: Шукуров Орзимурод Абдурахмонович**

